O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.

МАҚСАДИМИЗ — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ҚУРИШ ВА ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАЙДИГАН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 15-mart • Payshanba • 32 (27.677) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КАТТА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 14 МАРТ КУНИ ОҚСАРОЙДА ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ШАВКАТ АЗИЗНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

— Сизнинг ушбу ташрифингизга Ўзбекистон — Покистон муносабатлари ривожланиб бораётганининг яна бир белгиси сифатида қараймиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон ва Покистон халқлари неча асрлардан бери ўзаро алоқада бўлиб келган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин бу муносабатлар янгича мазмун касб этди. Тошкент билан Исломобод ўртасида мустаҳкам ва узоқ муддатли алоқа ўрнатилиши Ўзбекистон учун Форс кўрфази мамлакатлари билан, Покистон учун эса Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни кенг ривожлантириш имкониятларини очади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил май ойида Покистонга, Покистон Президенти Парвез Мушаррафнинг 2005 йил март ойида Ўзбекистонга ташрифи икки томонлама ҳамкорликни замон талаблари ва миллий манфаатларга мос тарзда ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

Дунёда энергия захираларига талаб ортиб бораётгани инобатга олинса, Покистон энергия манбаларига бой минтақа ҳисобланган Марказий Осиёдан чиқадиган жанубий йўналишдаги янги транспорт тармоқларининг ўз коммуникацияларига туташувидан манфаатдор. Ўзбекистоннинг Покистон йўллари орқали Арабистон денгизи соҳилларига чиқиши эса икки томон учун ҳам манфаатлидир.

Покистон компаниялари Ўзбекистон ҳудудидаги нефть-газ конларини қидириш ва ўрганишга жиддий қизиқиш билдирмоқда. Шунинг учун Исломободда Афғонистон орқали Покистонга чиқадиган транспорт тармоқларини барпо этиш лойиҳаларига катта қизиқиш билан қаралади. Бу Покистон товарларининг (пластмасса буюмлар, чарм ва картондан ясалган маҳсулотлар, дори-дармон, мева) Ўзбекистон орқали Марказий Осиё давлатлари бозорларига кириб боришига ҳам хизмат қилган бўлар эди.

Ўзбекистон эса Покистон бозорига йўналтирилган экспорт ҳажмини (пахта, полиэтилен, суюлтирилган газ, кабель, минерал ўғитлар, ғалла, қишлоқ хўжалиги техникаси) кенгайтириш имкониятига эга бўлади. Мисол учун, Покистон Ўзбекистон пахтасини учинчи давлатлар орқали сотиб олади. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки ҳисса ортиб, 20 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Эрон бандаргоҳлари орқали Покистонга юборилган Ўзбекистон пахтасининг қиймати бу кўрсаткичдан бир неча карра ортиқ. Шуларни инобатга олиб, икки мамлакат Президентлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Покистон қўшма комиссиясининг фаолиятини такомиллаштиришга келишиб олган эдилар. Яқинда Исломободда комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Покистон Бош вазирининг Ўзбекистонга ташрифи асносида эса икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми ташкил қилинди.

Покистонда Ўзбекистон пахта ва ипагига, юртимизда давом этаётган хусусийлаштириш жараёнига қизиқиш катта. Энергетика ва транспорт коммуникациялари соҳасида ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда қўшма корхоналарни кўпайтириш мумкин. Ўзаро савдо-сотиқ ва сармоявий ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида Тошкентда Покистон Миллий банкининг филиалини очиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистондаги мавжуд қулай сармоявий муҳит покистонлик ишбилармонларнинг юртимизга қизиқишини тобора оширмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда Покистон сармояси иштирокида тузилган қирққа яқин корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар ишлаб чиқарган товарлар ва кўрсатган хизматларнинг йиллик ўртача қиймати 20 миллиард сўмга, экспорти ҳажми 4 миллион АҚШ долларига етади.

Тарихий ва маданий яқинлик, айниқса, ижтимоий соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун яхши омил бўлмоқда. Икки мамлакат вакиллари Ўзбекистон ва Покистонда ўтаётган турли халқаро маданият ва санъат фестивалларида, жумладан, ҳар икки йилда Самарқандда бўладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида, илмий-маърифий анжуманларда қатнашиб келмоқдалар. Олимлар тарихий-маънавий меросга оид маданий ёдгорликларни, қўлёзмаларни тадқиқ этмоқдалар. Лекин бу борадаги имкониятлар ҳам тўла ишга солинаётгани йўқ. Умуман, маданий ва илмий доираларнинг, спортчиларнинг ўзаро алоқаларини янада кенгайтириш имкониятлари кўп.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида барча соҳалар, жумладан, ўзаро савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш борасида мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш, шунингдек, халқаро терроризмга қарши биргаликда курашишни кучайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Хўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш мақсадида:

1. Хўжалик юритувчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида, тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган аммортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан, фойдадан олинадиган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилсин.

2. Ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилсин.

3. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу Фармонда кўзда тутилган солиқ имтиёзлари янги жиҳозлар ишлаб чиқаришга жорий этилган пайтдан бошлаб навбатдаги солиқ ҳисоботи даври учун қўлланилади;

технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайтдан бошлаб уч йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, юқорида қайд этилган солиқ имтиёзлари бекор қилинади ва қонунчиликда белгиланган тартибда бюджетга тегишли солиқлар ва божхона тўловлари тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади.

5. Белгиланган, 2007 йил 1 апрелдан бошлаб олиб кириладиган технологик жиҳозларга қонунчиликда кўзда тутилган божхона тўловлари бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланадиган технологик жиҳозлар рўйхатига мувофиқ қўлланилади.

Технологик жиҳозларни олиб киришда қўлланиладиган имтиёзлар, агар технологик жиҳозларни етказиб бериш бўйича шартнома шартларида кўзда тутилган бўлса, бутловчи ва эҳтиёт қисмларга нисбатан ҳам татбиқ этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2007 йил 1 апрелгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Адлия вазирлиги билан биргаликда ўрнатилган тартибда мазкур Фармонда кўзда тутилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиққан ҳолда киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 14 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Мамлакатимиз кон-металлургия саноати корхоналарининг бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, соҳада ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишга, республикамиз кон-металлургия саноатини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Бредихин Александр Алексеевич — Навоий кон-металлургия комбинатининг автомобиль транспорти бошқармаси бошлиғи

Золотарев Юрий Петрович — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси директорининг фосфорит ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари

Иргашев Таир Асатович — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг электрда пўлат эритиш цехи катта устаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

Эшанкулов Абдушукур Гафурович — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти «Олмалиқметаллург-қурилиш» бошқармасининг участка бошлиғи

Кўп йиллик самарали меҳнати ва мамлакатнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, республикамиз кон-металлургия саноатида илғор технологияларни жорий этиш ва ўзлаштириш ишида эришган ютуқлари, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик фазилатларини намоён этганликлари ҳамда миллатлараро тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашдаги ибратли фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Авезов Наримон Назарович — Навоий кон-металлургия комбинати Зарафшон қурилиш бошқармасининг 39-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи

Алиматов Омонбек Давронбекович — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1- навли прокат цехи катта устаси

Аҳметов Анвар Муҳитдинович — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти Мис эритиш заводининг металлургия цехи эритувчиси

Иманов Собирали Холматович — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятининг «Қолмақир» кон бошқармаси кон устаси

Пятков Владимир Владимирович — Навоий кон-металлургия комбинатининг «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси монтажчиси

Раҳимов Гауҳарбек — Навоий кон-металлургия комбинатининг Зарафшон қурилиш бошқармаси бош муҳандиси

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Байрамов Куджат Сеферович — Навоий кон-металлургия комбинатининг «Мурунтов» кони бурғулаш участкаси машинисти

Джураев Бахтиёр Данакулович — Навоий кон-металлургия комбинатининг Зарафшон қурилиш бошқармаси монтажчиси

Коробов Юрий Валентинович — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти темир йўл транспорти бошқармасининг тепловоз машинисти

Ремонтов Александр Михайлович — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг механика таъмирлаш цехи пўлат эритувчиси

Сеитмеметов Аппаз Сеидаметович — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси бош энергетиги

Штеер Виктор Кондратьевич — Навоий кон-металлургия комбинати 2-Гидрометаллургия заводининг 8-цех бошлиғи

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Агзамов Акрамхон Турсунходжаевич — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятининг Рух заводи директори

Булатов Рашид Юнусович — Навоий кон-металлургия комбинати Зарафшон қурилиш бошқармасининг участка бошлиғи

Джамалдинов Абдусаттар Абдуллаевич — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-навли прокат цехи вальцоловчиси

Евтеев Василий Владимирович — Навоий кон-металлургия комбинатининг «Мурунтов» кони чилангари

Кудинов Александр Михайлович — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси директорининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари

Масалиев Нуриддин Колдашевич — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти Ангрен кон бошқармасининг Кўчбулоқ шахтаси участка бошлиғи

Нармуратова Клара Ҳакимбаевна — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти Рух заводининг кимёвий лабораторияси лаборанти

Нурматов Иномжон Раҳимбердиевич — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг мартен цехи пўлат эритувчиси

Радионова Любовь Анатольевна — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси марказий лабораторияси етакчи муҳандиси

Раҳмонов Уйғун Бозорович — Навоий кон-металлургия комбинатининг «Саноатэлектрмонтаж» трести электр монтажчиси

Сайдираҳимова Ҳуриниса Раҳматовна — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти Мис бойитиш фабрикасининг фильтрловчиси

Саҳатов Исматулла Саматович — Навоий кон-металлургия комбинатининг темир йўл транспорти бошқармаси тепловоз машинисти

Шоназаров Ҳақназар Шадиевич — Навоий кон-металлургия комбинати 2-Гидрометаллургия заводининг тегирмон машинисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 14 март

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА



Суратларда: *кўргазмадан лавҳалар.*

Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Қурилиш ва интерьер, иситиш ва вентиляция — UzBuild-2007» халқаро кўргазмаси давом этмоқда.

Кўргазмада мамлакатимиздан ва хориждан юзга яқин компания ўз маҳсулот ҳамда хизматлари билан иштирок этмоқда.

Намойиш этилаётган қурилиш материаллари ва таклиф этилаётган хизмат турлари жуда ранг-баранг. Айниқса, иситиш ва вентиляция тизимлари, интерьер ва дизайн, эшик ва ромлар, лок ва бўёқлар, том ёпиш материаллари, пол қопламалари, электроника ва ёритиш сингари кўплаб турдаги маҳсулотлар кўпчилик эътиборини ўзига жалб этади.

Шунингдек, унда пойтахтимиздаги «Versal classik» шўъба корхонасининг етти турдаги маҳсулотлари, шу жумладан, мактаблар, болалар боғчалари, офис ва шифохоналарга мўлжалланган эшик ва деразалар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

«Baraka-yutuq» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган қуёш нуридан қувват олиб ишлайдиган печ ва сув иситиш мосламалари ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортаяпти. Бундай қурилмалар, айниқса, дала-даштда яшаб, меҳнат қилаётган юртдошларимизга жуда қўл келади.

Ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилаётган ушбу кўргазма эртага ўз ишини якунлайди.

Абдуғани СОДИҚОВ

ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар икки давлат раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар асосида изчил ривожланмоқда. Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шавкат Азизнинг мамлакатимизга расмий ташрифи ушбу ҳамкорликнинг янги истиқболларини очишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шавкат Азиз ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат етакчи иқтисодиёт идоралари вакиллари иштирок этди.

Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушаррафнинг 2005 йилнинг март ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил май ойида Покистонга расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди. Президентимизнинг ташрифи якунларига кўра, икки давлат раҳбарлари томонидан Қўшма баёнот имзоланган эди. Шунингдек, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга доир, жумладан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги, саноат, ташқи савдо ҳамда банк-молия фаолияти бўйича қатор битимлар имзоланган эди. Яқинда Исломободда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Покистон Савдо-иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлиги бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишида ушбу ҳужжатлар ижросига оид масалалар муҳокама қилинди.

Тошкентдаги музокараларда Ўзбекистон катта экспорт салоҳиятига эга экани таъкидланди. Жаҳон бозорида ўзбек пахтаси, ипаги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, минерал ўғитлар, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган юқори технологияли ускуналар, автомобиллар, транспорт ҳамда йўловчи ташувчи самолётларга талаб тобора ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг самараларидандир. Ўзбекистондаги мавжуд қонунчиликка биноан хорижий тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланган. Шу боис иқтисодиётимизга киритилаётган хорижий сармоя ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Покистон ишбилармон доиралари вакиллари билан ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда. Улар иштирокида қирққа яқин қўшма корхона ташкил этилган.

Музокаралар давомида савдо ва энергетика, янги транспорт коммуникацияларини яратиш, тўқимачилик ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама этилди. Покистон ишбилармон доиралари вакиллари нефть-газ, таълим, маданият ва туризм соҳасида ҳамкорликдан, ўзбек пахтаси ва ипагини харид қилиш ҳажмини оширишдан манфаатдор эканини билдирди. Шунингдек, Ўзбекистон — Покистон савдо-иқтисодий муносабатларини янада ривожлантиришга доир бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Қўшма лойиҳаларни молиялашни енгиллаштириш учун Тошкентда Покистон миллий банки филиалини очиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, фан ва техника соҳасида ҳамкорлик бўйича қўшма қўмита фаолияти доирасида илмий-техника алоқалари кенгаймоқда. Ушбу йўналишлар бўйича ҳамкорликни ривожлантириш икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни кенгайтириш билан бир қаторда Осиё минтақасида хавфсизликни мустаҳкамлаш, шунингдек, халқаро терроризм таҳдидларининг олдини олишга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Покистон Бош вазирлари иштирокида ўтган икки давлат ишбилармон доиралари вакилларининг бизнес-форумида ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, Жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида ҳукуматлараро шартнома, Транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, Тошкент ислом университети ва Исломобод халқаро ислом университети ўртасида, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва Карачи шаҳар Савдо-саноат палатаси ўртасида англашув меморандумлари имзоланди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА

Шавкат АЗИЗ:

ТАШРИФ НАТИЖАЛАРИДАН МАМНУНМИЗ

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шавкат Азиз Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Бу ерда юқори мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Покистон бош вазири Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган Мустақиллик ва эзгулик монументи Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, ўзбек халқининг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканлигини таъкидлади.

Юқори мартабали меҳмон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биноси билан танишди.

Шавкат Азиз шу куни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида ўтказган музокаралари натижалари юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашдик, — деди Ш.Азиз. — Музокаралар, имзоланган ҳужжатлар келгусида икки томон учун ҳам манфаатли натижалар беришига ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўплаб соҳаларда янада ривожланишига ишончим комил.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши бизни жуда қувонтирди. Бу Ўзбекистон раҳбариятининг ислом маданиятини, маънавий қадриятларни тиклаш ва асраб-авайлашга қаратилган оқилона сиёсати самараларидандир.

Ўзбекистонга ташриф асносида юртингизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган самаралар билан яқиндан танишдик. Жумладан, Тошкентда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон пойтахти қадимий, жуда гўзал, айни пайтда, замонавий шаҳар.

Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга бориб тақалади. Халқларимизни ягона дин, ўхшаш маданий қадриятлар, бир-бирига ҳамоҳанг анъана ва одатлар ҳам яқинлаштириб туради. Шундай экан, ўзаро ишонч ва ҳурматга, манфаатдорликка асосланган ҳамкорлигимиз барча соҳада мустаҳкамланиб боравершига ишонаман.

Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбирлари

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Ромитан туманидаги «Ромстар» қўшма корхонасига буюртмачилар ҳамда бухоролик пилла етиштирувчиларнинг ишончи тобора ошмоқда. Ўтган йили касаначилик асосида пилла етиштирувчилар қўшма корхона хомашё омборини мўлжалдагидан анча кўп — 400 тонна «кумуш тола» билан тўлдирди.

Замонавий хориж дастгоҳлари билан жиҳозланган корхонада тайёрланаётган ипак тола сифати юқори. Шу боис халқаро бозорда унга талаб катта.

— Ўтган йили Эрон, Туркия, Вьетнам сингари мамлакатлардаги буюртмачиларимизга бир миллион 200 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот сотдик, — дейди қўшма корхона директори Аҳмад Каттаев. — Бу 2005 йилдагига қараганда уч баравар кўпдир.

Корхонада ишчилар сони уч юз нафардан ошди. Уларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам иш сифати ва суръатига мос. Жамоа жорий йилда ишлаб чиқариш қуввати ва экспорт ҳажмини янада оширишни режалаштирган.

Тез орада «Ромстар»нинг Хива шаҳрида филиали иш бошлайди.

Э. ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири

ИНТИЛГАНГА ИМКОН КЕНГ



Қарши тиббиёт билим юрти ўтган йили 1000 ўринга мўлжалланган тиббиёт коллежига айлантирилган эди. Ҳозир ушбу масканда ҳамширалик, акушерлик, доришунос ассистент, ортопедия, стоматология, тиббий профилактика йўналишлари бўйича 2000 нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда.

Коллежга Японияннинг «JIKA» компанияси ҳамда Жанубий Корея мамлакатидан 61 номдаги кўргазмали қуроллар, муляжлар келтирилган бўлиб, улар талабаларнинг билим ва савиясини оширишда катта аҳамият касб этмоқда.

Илм масканида 20 та фан ва касб-ҳунар тўгараклари ташкил этилган.

— Талабалар ўртасида миллий ғоя ва мустақиллик мафкурасини кенг ташвиқот қилиш мақсадида «Ахборот – тарғибот» гуруҳини ташкил этганмиз, — дейди коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Дилфуза Ғуломова. — Ҳар шанба «Ёшлар билан ишлаш куни» ташкиллаштирилади. Унда «Камолот» ЁИҲ етакчиси бошчилигида турли мавзуларда тренинг машғулотлари, давра суҳбатлари, маъруза ва баҳс-мунозара кечалари ўтказилиб келинмоқда.

Мухтасар айтганда, ўтган вақт мобайнида коллежимиз малакали тиббиёт кадрлари тайёрловчи билим масканига айланиб улгурди.

Коллежда «Ахборот-ресурс маркази» ташкил этилган бўлиб, компьютер, скайнер, принтер ва судломагнитофонлар билан таъминланган, улар интернет тармоғига уланган.

Суратда: *коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Дилфуза Ғуломова ва услубчи Юлдуз Жўраева навбатдаги иш режалари хусусида суҳбатлашмоқда.*

Абдурасул ПАРДА
олган сурат

❖ Сўз — ЎзХДП фаолларига

ДЕПУТАТНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини тўғри ташкил этиш қонунлар ижросини, фуқаролар манфаатларини таъминлашга, мавжуд муаммо ва долзарб масалаларни ижобий ҳал этишга хизмат қилади.

Конституциямизнинг 99-моддасида «Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар», деб белгилаб қўйилган.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов йўли билан ташкил этилади. Яъни, фуқаролар бу органларга ўз вакилларини сайлайди. Сайланганлар эса депутат сифатида фаолият юритадилар ва улар халқнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги мухтор вакиллари ҳисобланишади.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз фаолиятини давлат ҳамда фуқаролар манфаатини кўзлаб олиб боради. Натижада давлат манфаати билан фуқаролар манфаати ўртасида муштараклик вужудга келади. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида белгилаб қўйилганидек, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий иш шакли сессиядир. Сессия заруратга қараб, бир йилда камида икки марта чақирилади. Шунингдек, тегишли ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ва бошқа тезда ҳал этишни талаб қиладиган масалаларни кўриб чиқиш мақсадида ҳам мўлжалланган ташқари сессиялар чақириш мумкин ва бу Кенгаш фаолиятининг самарадорлигини оширади. Сессияларга тайёргарлик кўриш, ўтказиш жараёнида қуйидаги ташкилий ишларни бажариш талаб этилади:

— сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни аниқлаш;

— масалаларни муҳокамага тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳларини тузиш;

— сессия кун тартибига киритиш учун таклиф этилаётган масалаларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

— қонунга мувофиқ сессия белгиланган кундан камида 7 кун олдин депутатларга бўлажак сессия тўғрисида хабарнома ва кўриладиган масалалар юзасидан тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини юбориш;

— депутатларни ва сессияга таклиф этилганларни рўйхатга олиш;

— таҳрир гуруҳларини тузиш.

Депутатлар сессияга тайёргарлик жараёнида бевосита иштирок этишлари мумкин.

Масалан, муҳокама учун масалалар таклиф этиш, кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва уларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдириш, қарор лойиҳалари ва уларга тузатишлар киритиш бўйича таклифлар бериш, музокараларда қатнашиш, маърузачи ва раислик килувчига саволлар бериш, ўз таклифларини асослаш учун сўзга чиқиш ва овоз бериш сабаблари изоҳлаш, ҳокимият вакиллик органларига ҳисобдор ёки унинг назоратида бўлган ҳар қандай орган, мансабдор шахснинг ҳисоботи, ахборотини эшитиш тўғрисида таклиф киритиш ҳуқуқларига эга.

Депутатлар сессия муҳокамасига қўйиладиган масалалар тўғрисида хабардор бўлгач, ўз сайловчилари билан учрашиб, кун тартибидаги масалалар

бўйича уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишлари мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Чунки, кўрилаётган масала тўғрисида одамларнинг фикрларини билиш эса депутатнинг муҳокамаларда фаол иштирок этиши учун хизмат қилади. Қолаверса, бундай учрашувлар ва суҳбатлар чоғида эътиборга молик таклифлар ўртага ташланади, муҳим танқидий мулоҳазалар билдирилади. Натижада депутат муайян манфаатдор шахсларнинг Кенгаш олдида ахборот бериб туришини, кўтарилган масала юзасидан Кенгашга расмий изоҳ тақдим этишини талаб қилиши мумкин.

Кенгаш қарорларини бажариш тегишли ҳокимлик, уларнинг бўлим ҳамда бошқармаларининг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг вазифасидир. Айни вақтда, қарорлар ижросини таъминлашда депутатлар ҳам фаол иштирок этишлари зарур. Сессиядан кейин депутатлар ўз сайлов округларида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришлари, сайловчиларни Кенгаш қабул қилган қарорларни бажаришда иштирок этишга йўналтириши лозим. Бу эса ўз навбатида жамоатчилик назорати ўрнатилишига ҳам ёрдам беради.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Кенгаш қарорлари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминлаш, ваколатлари доирасида назорат ўрнатиш мақсадида депутатлар орасидан доимий ва муваққат комиссиялар тузилади.

Авваламбор, доимий комиссиялар нима учун тузилади? Уларнинг ваколатлари нималардан иборат?

Юқорида кўрсатилганидек, доимий комиссиялар халқ депутатлари Кенгашининг самарали фаолият кўрсатишига кўмаклашувчи орган бўлиб, Кенгашнинг бутун ваколат муддатига сайланади. Шу билан бирга доимий комиссиялар Кенгашларга ва ҳокимликларга ёрдам берибгина қолмасдан, бир қатор тадбирларни мустақил амалга оширишлари мумкин. Доимий комиссиялар ишларининг самарадорлиги унинг таркибига сайланган депутатларнинг фаоллигига, ўзларига берилган ҳуқуқлардан фойдалана олишларига боғлиқ.

Доимий комиссия таркибига кирган депутат мазкур орган кўриб чиқиши учун масала ва таклиф киритишга ҳақли. Шунингдек, ушбу масалаларни кўриб чиқишга тайёрлашда, уларни муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилишда иштирок этади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатларининг асосий фаолияти ўзи сайланган сайлов округи билан бевосита боғлиқдир. Депутатнинг сайлов округидаги фаолияти асосан бешта йўналишдан иборат.

Аввало, сайловчилар билан меҳнат жамоалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида учрашувлар, йиғилишлар ўтказиш, аҳолини ҳокимият вакиллик органи фаолияти тўғрисида мунтазам хабардор қилиб туриш, қонунларнинг ва Кенгаш қарорларининг ижро этилишини назорат қилиш, жамоатчилик фикрини, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, булар асосида тегишли қонунлар ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш чоғида ўз таклифларини киритиш;

сайловчилардан тушган таклиф, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш, уларни ўз вақтида тўғри ҳал этиш чораларини кўриш, сайлов округида фуқароларни мунтазам равишда қабул қилиш;

йилига камида икки марта ўз иши тўғрисида сайловчиларга ҳисобот бериб туриш;

юқори Кенгаш депутати қўйи Кенгашлар ва уларнинг органлари мажлисларида маслаҳат овози билан иштирок этади;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етган тақдирда ёки қонун бузилишининг бошқа ҳолатларида депутат давлат ҳокимиятининг вакили сифатида, ўша жойнинг ўзида бундай қоидабузарликнинг тўхтатилишини талаб қилишга, зарур ҳолларда эса, уларга чек қўйишни талаб қилиб, тегишли органлар ва мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақлидир.

Фуқаролар депутатга мурожаат қилар экан, уларни ҳокимиятдаги ўз вакиллари деб биладилар, ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда уларга ишонадилар. Демак, депутатларнинг сиёсий фаоллиги бу сайловчиларнинг ўз вакилларига бўлган ишончини оширишга, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Эгамберган КАРИМОВ,
Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати, Олий Мажлис Сенати аъзоси

❖ Партиямиз фаоллари

ТЎКИНЛИК КАЛИТИ — МЕҲНАТДА

«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ ОРДЕНИ» СОҲИБИ, ЎзХДП ФАОЛИ ТЎХТА ЭШИМОВ СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР

Истиқлолга эришганимиздан буён аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келаяпти. Бугун айни шу мақсадни ўзининг Дастурида акс эттирган Ўзбекистон Халқ демократик партияси, унинг фаоллари томонидан бу борада қатор амалий ишлар қилинаяпти. Бунда, айниқса, ЎзХДП аъзоси бўлган тадбиркор, фермерлар ҳам муносиб ҳисса қўшаяптилар.

Сурхон воҳасининг Шўрчи туманидаги «Ўртабўз» фермер хўжалиги вилоятдаги номдор жамоалардан. Фаолиятига саккиз йил бўлган, ЎзХДП фаоли бошқариб келаётган хўжалик ўтган йиллар давомида мақтовга арзигулик кўплаб ютуқларни қўлга киритди.

— Саксон гектар ер майдонимиз бор, — дейди хўжалик раҳбари Тўхта Эшимов. — Асосан пахта, ғалла етиштирамиз. Даромадга келсак... бари меҳнатга боғлиқ. Яқинда 65 ёшга чиқдим. Шундан 12 йил сувчи, ўн йилча тракторчи, 16 йил бригадирлик қилибман. Ҳаёт инсонни пишитаркан. Эгат оралаб сув кечган паллалар, ёзнинг жазирамасидаги агротехник ишловларда кўп нарсани ўргандим. Ҳозир шулар асқотаяпти...

Энг муҳими, Тўхта акани маҳалладошлари элга қайишадиган инсон сифатида қадрлашади.

Бибинора РЎЗИМУРОДОВА, ЎзХДП Шўрчи туман кенгаши раиси:

— Тўхта Эшимов партиямиз фаолларидан. Электоратимиз манфаатларини қўллаб-қувватлаш йўлида жонкуяр. Мақтанишни унчалик хуш кўрмайди... Ҳомийлик ва савоб ишларидан сўрасангиз, «ҳа энди...», деган қисқа жавоб оласиз. Тумандаги 22-ўрта мактабни 6 йилдирки, ўз оталиғига олган. Таъмирлаш дейсизми, байрам тадбирларими — барчасида Тўхта Эшимов бош-қош. Ўтган йилнинг октябрь ойида «Элбаён» маҳалла фуқаролар йиғинида кам таъминланган оилалар фарзандларидан 5 нафарига суннат тўйи ўтказиб берди. Беш хонадонга беш бош қорамолни ҳам шу киши ҳадя этди. Унинг ташаббуси билан «Ойнакўл» маҳалласидаги 5 километрдан ортиқ йўл учун 6 миллион сўм маблағ сарфланиб асфальт қилинди. Меҳнатлари муносиб баҳоланиб, у Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллик байрами кунлари «Эл-юрт ҳурмати ордени» билан мукофотланди. Шундай партиядошларимиз кўпаяверсин деймиз.

Холбой НАЗАРОВ, бош ҳисобчи:

— Олти йилдирки, ғалла ва пахта режаларини ортиғи билан адо этиб келамиз. Бажаргандаям 120-130 фоиздан кам бўлаётгани йўқ. Ўтган йили 3 гектар ғаллазордан 70 тонна ҳосил олинди. Пахтамиз 140 фоиздан ҳам ошди. Йил якунида 80 миллион сўмга яқин даромад келди...

Хуррам ХОЛОВ, боғбон:

— Хўжалигимиз деҳқончилик қиладиган ерлар атрофида узоқ йиллар фойдаланилмай ётган адирликлар бўларди. Шу дўнгликларни текисладик. 4 гектарлик узумзор ва яна 4 гектардан ортиқ хурмозор бунёд топди. Кафтдек жойдан 15 тоннача узум олинди. Хурмозоримиз ҳам 20 тоннача мева берди. 10 гектар ердаги мош, полиз экинлари рўзғорларга барака келтирди, арзон нархларда сотилди. Тўй-ҳашам кунлари эса хўжалик аъзоларига мева-чеваларни бепул бердик... Бу йил ҳам янги боғ-роғлар яратиш мақсадида юзлаб сара навли мевали кўчатлар ўтказдик.

— Хўжалигимиз ташкил этилган дастлабки йил фойда билан зарар учма-уч бўлувди, — ҳикоя қилади Тўхта аканинг ўзи. — Мана энди беш дона техника харид қилдик. Буғдой ўрадиган комбайнгача ўзимизда бор. Пахта, ғалла, боғдорчилик, полиздан яхшигина даромад қилаяпмиз. Чорва ҳам баракасининг ўзи экан. Мол, қўй-эчки 250 бошга яқинлашиб қолди. Энди етти хазинанинг бири — балиқчилик ва паррандачиликни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Шунда маҳалламизда яна 65-70 нафар киши иш билан таъминланади.

— Ўн нафар фарзанд, 40 нафардан ортиқ набиралар давраси-дамиз, — гапга қўшилди у кишининг **турмуш ўртоғи Беҳкам момо Сатторова.** — Ўғил-қизларимизнинг бари уйли-жойли... Илгари эртадан-кечгача дала кезсак-да, емоққа топсак, кийим-кечакка етказолмасдик... Янги замон шарофати билан чол-кампир Ҳаж зиёратига бордик. Барига шукур...

...Дарвоқе, илгариги «Тўхта бригадир» энди кўплаб савоб ишлари билан «Тўхтабой», «Ҳожи бобо», «Оқсоқол» деган яна бир қатор яхши номлар орттирди. Буларнинг ҳаммасига у «калит»ни ҳалол меҳнатдан топди. «Тўкинлик калити — меҳнатда» дегани шу-да.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
Бахтиёр АЛИҚУЛОВ.

❖ Қарор ва ижро

ФУТБОЛ МИЛЛАТНИ БИРЛАШТИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори (2006 йил 1 май) қабул қилинганига яқинда бир йил тўлади. Ўтган даврда Қарор ижроси бўйича жойларда қандай ишлар амалга оширилди? Хусусан, футболимизни ривожлантириш, халқаро майдонларда Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қила оладиган юксак маҳоратли футболчиларни тайёрлаш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

Шу каби саволлар билан Ўзбекистон Футбол федерацияси президенти, Олий Мажлис Сенати аъзоси Мираброр УСМОНОВга мурожаат этдик.

— Мираброр Зуфарович, дунё тажрибасидан маълумки, профессионал футбол клубларини ташкил этмай туриб, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Қарорнинг биринчи бандида мулкчиликнинг турли шаклларидаги профессионал футбол клубларини ташкил этиш, болалар-ўсмирлар футбол мактабларини футбол клублари ихтиёрига ўтказиш масаласи қўйилган эди. Ушбу вазифалар ижроси бўйича қандай ишларни амалга оширишга улгурилди?

— Авваламбор, Президентимизнинг мазкур Қарори мамлакатимиз футболини ривожлантиришда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлганини алоҳида таъкидламоқчиман. Қарор бўйича республикамизда жуда катта ишлар бошлаб юборилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, футбол федерацияси, вилоят федерациялари ҳамда ҳокимликлар ўз вазифаларини аниқ белгилаб олиб, қарор ижросини таъминлаш бўйича изчил ҳаракатларни олиб бормоқда.

Энди саволингизга келсак, ҳақиқатан ҳам қарорда қайд этилганидек, ҳамма футбол клубларимизни профессионал клубларга айлантирмасдан туриб, юқори чўққиларга эришиш қийин масала.

Мана, ҳозирги кунда олий лигада 16 та жамоамиз бўлса, уларнинг нечтасини ҳақиқатдан профессионал дейиш мумкин? Бу клубларга ҳокимиятлар ёки корхона-ташкилотлар ёрдам бераётгани, таъсисчилари 5-6 та бўлгани билан уларни профессионал деб айтишга ҳаққимиз йўқ. Қачонки, яккаю-ягона корхона, хусусий ташкилот ёки бирорта шахс профессионал клубларни ташкил этганда, уларга эга бўлгандагина, футболда ривожланиш кескин ортади. Ҳозир бизда «Пахтакор», «Машъал», «Қурувчи», «Нефтчи» ва «Трактор» жамоалари ҳақиқатдан профессионал клублар даражасига ўта бошлашди. Лекин бу жуда ҳам оғир жараён, бир йилда ҳаммасини ҳал қилиш қийин. Бунга аввало вақт керак, қолаверса, футбол клубларининг ҳақиқий эгаси чиқиши зарур.

— Қарорнинг иккинчи бандида профессионал футбол клубларини ташкил этиш баробарида уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашиш кўрсатилган эди. Бу борада қилинаётган ишлар ҳақида маълумот берсангиз.

— Албатта, профессионал клубларни яратишда авваламбор унинг моддий-техника базасини йўлга қўйиш лозим. Бу масалада жуда катта ишлар қилиняпти, аммо мен фурсатдан фойдаланиб, вилоят футбол раҳбарларини яна бир бор шу вазифага эътибор беришларини илтимос қилмоқчиман. Тўғри, амалий ишлар бўлаяпти, клублар ҳам ҳаракат қилаяпти. Лекин бу борада олдимизда ҳали кўп вазифалар турганини унутмаслигимиз керак.

Мана бир мисол. Тошкентда Чиғатой футбол мактаби бор. Илгари, бу мактаб спорт қўмитасига қараган. Қарордан сўнг ҳукуматимиз бу мактабни федерациямизга олиб берди. Хўш, бу мактаб қандай аҳволда эди? Бу ердаги шароит билан танишган одам унга чидаб туролмасди. Шу мактабга 7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ишлатиб, 4 та футбол майдонини ташкил қилдик: битта қипиқ майдон, 2 та майсали ва битта сунъий майдон. Миллий футбол жамоаларимиз жойлашадиган меҳмонхона қураяпмиз, ободонлаштириш ишлари олиб борилаяпти. Бу ишларнинг бир қисми 25 мартгача битади, охири мустақиллик байрамига якунланади.

Бундан ташқари, федерация биноси илгари қандай аҳволда бўлгани кўпчиликка маълум. «Пахтакор» спорт мажмуи ҳудудидаги эски, қаровсиз бир бинони таъмирлаб олдик. Шароит тубдан ўзгарди. Бино олдидаги ташландиқ ерни футбол майдонига айлантирдик, федерация қошида ишқибозлар клуби ташкил қилинаяпти.

— Футболимиз келажаги бугун кимларни, қандай тарбиялашимизга боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, болалар футболи катта футболнинг пойдевори ҳисобланади. У қанча оммавийлашса, футбол шунча ривожланади, юксалади. Болалар футболини ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича нима ишлар қилинмоқда?

— Болалар футболига эътибор бермасдан футболимизнинг келажагини тасаввур қилолмаймиз. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бу масалага тобора катта эътибор берилмоқда.

Мана, болалар футболи бўйича яқинда ҳукуматимиз яна бир қарор қабул қилди. Бу болалар ва ўсмирлар футболини янада ривожлантиришни кўзда тутади. Республикамизда 37 та футбол мактаблари бўлиб, улар асосан Халқ таълими вазирлиги тасарруфида эди. Қарордан сўнг 16 та футбол мактаби федерациямиз ихтиёрига берилди. Футбол федерацияси бу мактабларнинг ҳар бирини олий лига клубларига бириктириб қўйди. Эндиги вазифа биз шу болалар мактабларига қандай ёрдам қилишдан иборат. Шу ўринда савол туғилади: футбол федерацияси ўзи нима иш қилиши керак, унинг вазифаси нимадан иборат? Мен бу саволнинг жавобини кўп қидирдим. Федерация фаолиятини ўргандим. Илгарилари у ўйинлар календарини тузиб, олий ва биринчи лиганинг фаолиятидан хабардор бўлиб турган ташкилот эди. Бундан ташқари, асосан миллий терма жамоага жавоб берувчи ҳисобланган.

Даромади эса йилига бор-йўғи 400 млн. сўм бўлган. Хўш, федерациянинг ўзида имконият бўлмаса қандай қилиб терма жамоага ёрдам беради? Қандай қилиб футболни ривожлантириши мумкин? Ана шу каби саволлар устида фикр юритадиган бўлсак, қарор бежиз чиқмаганини англаб етамиз. Агар федерация миллий терма жамоага масъул бўлса, демак, терма жамоа тикланиши учун энг аввало, клублар учун жавоб бериши керак. Чемпионатнинг савиясини кўтариши керак. Ўйинларда 6:0, 7:0 каби ҳисоблар қайд этилаяпти. Бу футболми? Ёки жамоалар ўртасидаги очколар фарқини қаранг...

Шунинг учун биз ҳозир клубларни фақат назорат қилиш эмас, балки уларга бириктирилган болалар футбол мактаблари моддий-техника базасини яратиш, моддий ёрдам бериш чораларини кўраямиз. Болалар футболи ўсишини федерация шахсан ўзи бўйнига олади ва бунга фақат федерация жавоб беради. Мана шундагина футбол ривожланиши мумкин. Замини мустаҳкам футболгина юксалиши мумкин.

Хўш, мана шу 16 та мактабда кимлар тарбияланади? Албатта, энг иқтидорли, келажаги бор болалар, ўспиринлар. Улар келажакда ҳақиқий футболчи бўлиб етишишлари учун биз ҳозирдан эътибор қаратишимиз керак. Икки-уч йилдан сўнг улардан энг кучлиларини саралаб оламиз. Биз соғлом, жисмоний жиҳатдан энг бақувват, иродали болаларни танлаб олишимиз керак. Мингта болани ўқитган билан улар орасидан бирорта ҳам яхши футболчи чиқмаса меҳнат ҳам, маблағ ҳам ҳавога совурилади-ку.

Хуллас, истеъдодлиларни саралаб олгандан кейин федерация бу футболчиларга зарур маблағни ишлатади. Керак бўлса ота-онасини ҳам моддий рағбатлантиради. Энг асосийси, шу 2-3 йилнинг ичида болани футболчи қилиб чиқаришни бўйнига олади. Бундай болалар ўзимизда ҳам ўқийди, ҳам яшайди, ҳам тарбия олади, ҳам футболчи бўлади. Ҳозир биз ана шу мақсад йўлида дастлабки қадамни қўйдик ва тегишли ишларни олиб бораяпмиз.

— Вилоятлар футбол федерациялари ишларини кучайтирмасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиш қийин албатта. Айнан вилоятлар футбол федерациялари фаолияти сусайиб кетаётганлиги оқибатида бир қатор футбол жамоалари машҳурлигини йўқотаётгани Қарорда кўрсатиб ўтилган эди. Бу камчиликни тузатиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

— Тўғри, вилоят футбол федерациялари ишини кучайтирмасдан туриб, мамлакат футболи савиясини кўтариш мумкин эмас. Фурсатдан фойдаланиб бир гапни айтмоқчиман. Вилоят футбол федерацияларининг раислари кимлиги маълум. Вилоят ҳокимларига катта раҳмат. Улар қўлларидан келган ёрдамини беришаяпти. Лекин алоҳида таъкидлашни истардимки, бу қарорлар бекорга чиққани йўқ, футболга, умуман спортга бекорга бунчалик эътибор берилаётгани йўқ.

Вилоятлардаги стадионларнинг аҳволини олиб қарайдиган бўлсак, фахрланиб айтишимиз мумкинки, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақалари муносабати билан вилоятларда қурилаётган спорт иншоотлари кўп мамлакатларда йўқ. Хоразмни оласизми, Бухоро ёки Қашқадарёними — бундай иншоотларни шахсан мен Марказий Осиёнинг бирор жойида кўрмаганман. Лекин мен футбол федерацияларидан илтимос қилардимки, энди бу иншоотларни асраш керак. Уларга қараб турилмаса, вақтида таъмирланмаса ўз-ўзидан емирилади. Давлатимиз яратиб бераётган бу шароитлар қадрига етишимиз керак.

— Футбол жамоалари таъминотини яхшилаш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда ҳомийлар ҳиссаси катта. Афсуски, футбол жамоаларимизни қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатимиз ҳомийлари ва донорлари фаоллиги сусайиб кетганлиги ҳам Қарорда таъкидланган эди. Ҳозир аҳвол қандай?

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон футбол федерацияси бугун яна қандай ишларни қилаяпти, маблағни қандай топаяпти, деган савол туғилади. Аввало, бизга ҳомийлар катта ёрдам бераяпти. Ҳомий бўлмаса футболнинг иши юришмайди. 2006 йилнинг ўзида федерациямиз 2,5 миллиард сўм маблағ ишлатди. Бу йил футболни ривожлантириш учун 10 миллиард сўм сарфламоқчимиз. Хўш, бу маблағлар қаердан келди? Осмондан тушгани йўқ. Мамлакатимиз раҳбариятига минг раҳмат, футболни ривожлантириш фонди тузилди. Унинг таъсисчилари пайдо бўлди. Ундан ташқари, ҳукуматимиз бу фондга жуда ҳам катта ёрдам бераяпти. Энди ҳомийларга келсак, мен «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзбекистон ҳаво йўллари», Навоий кон-металлургия, Олмалиқ металлургия комбинатлари раҳбарияти ва бошқаларга, умуман ҳозир 40 дан ортиқ ҳомийларимиз бор, чин дилдан миннатдорчилик билдирмоқчиман. Ҳозир 8 та вилоятимизда шу фондлар ишлаяпти, уларга пуллар келиб тушаяпти. Айни дамда республика фондимизда 4 миллиард сўмдан ортиқ пул бор. Вилоятларда ҳам шундай таъсисчилар топиляпти, қолган вилоятлар федерациялари президентларидан илтимос қилардимки, бунга жуда катта аҳамият беришлари керак. Тўғри, футболни ривожлантириш бўйича қарорлар илгари ҳам чиққан, ҳукумат бу масалага эътибор берган, лекин қарор ишламаган, фонд ташкил этилмаган. Айниқса, Қорақалпоғистон, Сирдарё, яна битта-иккита вилоятлар бор, ҳали бу масалага эътибор бергани йўқ.

Андижон вилоятида эса федерация президенти янги бўлди, улар ҳозир олиб бораётган ишлардан биз жуда хурсандмиз. Вилоятда ниҳоятда катта ишлар қилиняпти, яқин орада Андижон футболи юқори натижалар кўрсатишига шубҳам йўқ.

— Кўпчиликни анчадан буён қизиқтириб келаётган яна бир савол: «Пахтакор» стадиони келажаги ҳақида нима дея оласиз, реконструкция бўладими ёки қайта қурилади?

— «Пахтакор» мамлакатимиздаги энг катта стадион, 56 минг ўриндиғи бор. Ўтган йили «Пахтакор» жамоасининг 50 йиллиги нишонланганди. Энди бу стадионга илгари қандай эътибор берилган, ҳозир қай аҳволда десак, ижобий жавоб бериш қийин. Тўғри, майдон жуда яхши. Афсуски, стадионнинг аҳволи эса... Менга қолса бузиб ташлаб бутунлай бошқатдан қуриш керак. Чунки, бугун замонавий стадион керак. Лекин харажатларни ҳисоб-китоб қилиб, раҳбариятимиз билан маслаҳатлашиб, «Ёшлик» манежи, «Пахтакор» стадиони ҳудудини тартибга солиш, шароитларни яхшилаш мақсадида реконструкцияни бошладик. Бунга 10 миллиард сўмдан ортиқ харажат қиламиз. Умуман стадионимиз янги бўлади, ўриндиқлар пластмассадан қилинади, ёритиш мосламалари, таблолар ўзгаради. Булардан ташқари, футбол ишқибозлари стадионга киришига қулайликлар яратилади. «Пахтакор» атрофида дам оладиган шароитни ҳам яратмоқчимиз. Бу ишлар лойиҳасини раҳбариятимизга бердик, розилик олинди, ҳозир ишлар бошланиб кетди. Мақсадимиз, йил охиригача янги шароит ва қиёфадаги стадионни яратиш.

— Сиз футбол федерацияси президенти сифатида ишни нимадан бошлаган эдингиз? Футболимизни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган асосий муаммолар нималардан иборат деб ўйлайсиз?

— Мен федерацияга президент бўлиб келганимда муаммолар жуда кўп эди. Дастлаб ишни нимадан, қандай бошлашни билмай анча бошим қотди. Лекин ҳукуматимиз шундай қарорларни чиқариб бердики, вазифалар аниқ-равшан кўрсатилди, шундан келиб чиқиб режаларни белгилаб олдик. Энди қолгани ўзимизга боғлиқ. Яхши ишлашимиз, бу қарорлар моҳиятини чуқур ҳис этишимиз керак.

Осиё футбол конфедерацияси, ФИФА билан яхши алоқа ўрнатишимиз керак. Мен бу ерга раҳбар этиб тайинлангач, ОФК раҳбарияти, ФИФА президенти билан учраштим. Дунёнинг футбол федерациялари раҳбарлари билан Швейцарияда учрашдим. Москвада Ҳамдўстлик давлатлари футбол президентлари билан мулоқотда бўлдик. Саноқли кунлардан сўнг, аниғи, 27 мартда ФИФА, ОФК президентлари Тошкентга ташриф буюришади. Биз бу тадбирларни бекорга уюштираётганимиз йўқ, бизга моддий ёрдам берадиган асосий ташкилотлар шулар. Мана, ФИФА бир йилнинг ичида Футбол федерациямизга 800 минг доллар ажратди. Жаҳон футбол уюшмаси раҳбарлари мамлакатимизда бўлаётган ишларни кўриб, келгусида янада катта ёрдам беришади, деган умиддаман.

— Сиз учун футбол нима? Унинг жамиятдаги аҳамияти ҳақида фикрингизни билдирсангиз.

— Президентимиз бир суҳбатда футбол ҳақида тўхталиб, «Бу ҳаёт, одамларнинг ўзига яраша ташвишлари бор, вақти келганда диққати ошади, вақти келганда хафа бўлади, ойласидан, ишидан ва ҳоказо. Улар футбол кўриб дам олгиси келади...», деган эдилар. Афсуски, ҳозир ишқибозлар камайиб кетган, ўриндиқларимиз бўш. Бунга биз айбдормиз. Миллий терма жамоамизнинг ўйинлари яхши бўлиши учун ҳамда футболга ишқибозларни қизиқтириш учун авваламбор чемпионатимиз савиясини оширишимиз керак... Ахир тўққиз йилдан бери «Пахтакор» чемпион. Бунақада чемпионатнинг қизиғи қоладими?

Менинг асосий ниятим — республикамизда «Пахтакор»га ўхшаган яна 6-7 та клуб бўлиши керак. Бу клублар ҳар бир очко учун жонини жабборга бериши лозим. Футболимиз юқори даражага чиқса, мухлислар ўз-ўзидан кўпаяди. Улар стадионда маза қилиб ўйинни томоша қилишса, демак, футбол халқимизнинг ҳордиқ чиқаришига кўмаклашган бўлади.

Яна шуни айтмоқчиманки, футбол миллатни бирлаштиради. Унинг ғурурини оширади, саломатлигига хизмат қилади.

— Иқтидорли футболчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришга қандай эътибор берилмоқда?

— Футболчилар ҳақида гап кетса, тўғриси, уларни кўпроқ танқид қилишга ўрганиб қолганмиз. Аммо, футболчини ҳам тушуниш керак. Агар бир инсон ўрта ҳисобда 25-30 йил бир соҳада меҳнат қилса, футболчининг фаолияти бор-йўғи 10 йилни ташкил қилади. Ундан кейин футболчи нима билан шуғулланади? Мақсадим — қандай қилиб бўлса-да, футболчиларни молиявий томондан рағбатлантириш. Бунинг учун клубларга жуда катта аҳамият бериш керак. Клуб футболчи билан шартнома туздими — уни албатта бажарсин. Футболчидан ҳеч қачон қарз бўлиб қолмасин.

Иккинчидан, миллий жамоада ўзини кўрсатган футболчиларнинг ҳар бирига бир миллион сўмдан пул тўлаяпмиз. Жамоага аъзо бўлгани учун. Бу ерда гап фақат пулда эмас. Ҳозир ҳар бир клубда 40-50 тагача футболчи бор. Агар биз улардан бирини миллий терма жамоага олсак, бошқаларда ҳам интилиш пайдо бўлади. Ҳаракат, рақобат бошланади. Қолаверса, жамоа ишончини оқлаган ўйинчиларга яна қўшимча маблағ ажратамиз.

Мана, ҳозир олимпиада ўйинларида Ўзбекистон футболчилари биринчи марта иккинчи босқичда иштирок этишяпти. Шу босқичда ўйнаётган ҳар бир футболчи яна қўшимча рағбатлантирилади. Шунингдек, илгарилари миллий жамоалар раҳбариятига маош ҳам тўланган эмас. Биз ҳозир уларни ҳам моддий қўллаб-қувватлаяпмиз. Улар энди фақат ишлаши керак.

— Ҳамма мухлислар орзуси — терма жамоамизни Жаҳон чемпионати финал босқичида кўриш. Бу орзу қачон амалга ошиши мумкин?

— Бу орзу ҳаммамизда бор. Албатта, жаҳон чемпионати финал босқичида Ўзбекистон жамоаси ҳам иштирок этса, бу Ватанимиз футболи учун жуда катта ютуқ бўлади. Ҳозир шу орзуга етишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу ниятдан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Қолаверса, шу йил июнь ойида Осиё чемпионатида иштирок этамиз. Олимпиада финалида ўйнаймиз деган мақсадимиз ҳам бор. Сўнгра жаҳон чемпионати финалига йўлланмани қўлга киритиш. Шу мақсадга эришиш, миллионлаб мухлислар ишончини қозониш учун барча имкониятлардан тўла фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз.

— Батафсил маълумот берганингиз учун газетхонлар ва футбол мухлислари номидан миннатдорчилик билдирамиз. Барча орзу ниятларингиз амалга ошишига тилакдошмиз.

— Раҳмат. Футболимизнинг ёруғ ғалабаларини кўриш ҳаммамизга насиб этсин.

Суҳбатдош: Сафар ОСТОНОВ

ПАРЛАМЕНТ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

Грузия парламенти республиканинг Шимолий Атлантика алянси — НАТОга аъзо бўлишини тезлатиш тўғрисида декларация қабул қилди. «Новости — Грузия» ахборот агентлиги хабар беришича, декларацияни парламент аъзолари бир овоздан маъқуллашган.

Декларацияга қўшимча равишда НАТОга аъзолик масаласига миллий розилик меморандуми ҳам имзоланди. Унга парламентдаги барча фракциялар етакчилари қўл қўйдилар.

Декларация Грузиянинг НАТОга аъзо бўлишини тезлатиш, бунинг учун республика қуролли кучларини НАТО стандартларига тезроқ мослаштириш масалаларини назарда тутади.

Россия расмий Тбилисининг мазкур евроатлантика режасини ҳали тан олинмаган Абхазия ва Жанубий Осетия республикалари устидан куч билан назорат қилишга интилиш, дея баҳолади.

Эслатиб ўтамиз: шу йил 7 март куни АҚШ Конгрессининг вакиллари палатаси Грузия, Украина, Албания, Хорватия ва Македониянинг НАТОга қабул қилинишини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилди. Ҳозир бу лойиҳа Сенат эътиборида турибди.



ПОЛИЦИЯ БИЛАН ТЎҚНАШУВ

Хитойнинг жануби-шарқидаги Хунан музофотида қишлоқ деҳқонлари билан полиция ўртасида оммавий тўқнашув юз берди. Бунга жамоат транспортида кира ҳақининг салкам икки баравар оширилгани сабаб бўлди.

Сянганда чоп этиладиган «Саут Чайна морнинг пост» газетаси хабарига кўра, Чжунан қишлоғининг ғазабга минган 20 минг аҳолиси маҳаллий маъмурият ва полиция биносини эгаллаб олган. Бу тартибсизликни бостириш учун бошқа музофотдан қўшимча полиция жалб этилди ва ўртада тўқнашув юз берди. Омма полициянинг тўрт машинасини, 9 та автобусни ва енгил машинани ёқиб юборди.

Газетада ёзилишича, тўқнашувда бир киши оламдан ўтди, 9 нафари турли даражада тан жароҳати олди, юзлаб одам полиция томонидан қўлга олинди.

Маълум бўлишича, икки ҳафта олдин «Анда» йўловчи ташиш компанияси йўл ҳақини салкам икки бараварга оширган, бу ҳам етмагандек, ҳар бир юк учун қўшимча ҳақ олган.

Қишлоқ фаоллари бундай «адолатсизлик»ка чек қўйиш учун маҳаллий маъмуриятга мурожаат этишмоқчи бўлиб туришган пайтда, йўловчи ташиш компанияси раҳбарияти 4 автобус «бандит»ни қишлоққа ташлаб, фаолларни қўрқитган. Бу эса оммавий норозилик кучайишига сабаб бўлган.

Музофот маъмуриятининг маълум қилишича, ҳозир қишлоқда вазият тинч. Уларнинг айтишича, тартибсизликлар пайтида ҳеч ким ҳалок бўлмаган.

Маълумотларга қараганда, кейинги йилларда Хитойнинг шаҳар ва қишлоқлари ўртасидаги даромад тафовути ўсиб бораётгани боис ижтимоий норозиликлар кузатилмоқда. Буни Хитой маъмурияти ҳам тан олади ва айнан шу муаммони бартараф этиш учун яқин йилларда қишлоқларга ўнлаб миллиард юан миқдорига тенг инвестиция киритмоқчи.

ГАЗЕТХОНЛАР КАМАЙИБ БОРМОҚДА

АҚШ Газеталар ассоциацияси ўтказган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кейинги пайтларда мамлакат оммавий ахборот воситаларининг аудиторияси қисқариб бормоқда. Бироқ бу қисқариш умидсизликка тушадиган даражада эмас, дейилади тадқиқот экспертлари тайёрлаган йиллик маърузада.

Тадқиқот раҳбари Том Розенштилнинг айтишича, одамларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи сусайгани йўқ. Фақат бу эҳтиёжни улар газеталар ҳисобига эмас, балки бошқа электрон нашрлар ҳисобига ҳам қондирмоқдалар. Айнан шу нарса газеталарнинг ўқувчилари камайишига сабаб бўлмоқда ва ўз-ўзидан уларнинг адади пасайиб бормоқда.

Бу одамларнинг ахборотни ўзига қулай вариантда қидириб топиши билан ҳарактерланади, аниқроғи, улар газеталарнинг электрон нусхаларини кўпроқ ўқимоқдалар.

АҚШ Газеталар ассоциациясининг маълумотларига кўра, 2006 йилнинг учинчи чорагида 57 миллион америкалик газеталарнинг электрон саҳифалари билан танишган. Бу аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 24 фоизга кўпдир. Шундай қилиб, АҚШда интернетдан фойдаланувчиларнинг 37 фоизи газеталарнинг «онлайн-версия»сини ҳар куни кузатиб боради.

Экспертларнинг сўзларига қараганда, — дейилади «Интерфакс» ахборотида, — бугунги замон кишисини электрон технологиялар яратаётган қулайликлар «эркалатиб» юбормоқда. Негаки, бугунги ўқувчи ўзига қулай вариантда, қулай шароитда, қулай вақтда турли ахборотлар билан танишиш имконига эга.

Шу ўринда маълумот учун факт: бугунги кунда АҚШ босма оммавий ахборот воситалари адади жиҳатидан энг етакчиси «The USA Today» газетасидир. У 2 млн. 269 минг 500 нусхада сотувга чиқарилмоқда. Иккинчи ўринда «The Wall Street Journal» бўлиб, унинг адади 2 млн. 43 мингта. Кейинги ўрин «The New York Times»га насиб этган. Адади 1 млн. 87 мингта. «Los-Angeles Times» ва «The New York Post» газеталари ҳам (775756 ва 704011 нусхаларда чоп этилади) адади юқори нашрлар ҳисобланади.

ХУСУСИЙЛАШТИРИЛИШИ МУМКИН

Россия Федерациясининг Транспорт вазирлиги бир қатор аэропортларни акциядорлик жамиятларига айлантиришни ва хусусий инвесторлар иштирокини кўзлаб турибди.

Бу ҳақда транспорт вазири Игорь Левитин журналистларга маълум қилди. Унинг айтишича, — дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида, — мамлакатда 350 та аэродром мавжуд бўлиб, шундан 60 таси федерация бошқарувида қолади, қолганлари эса ҳудудий маъмуриятлар ихтиёрига ёки хусусий шахслар бошқарувига берилади.

❖ Наврўз қўшиқлари

ҚЎШГА ҚЎШДИМ ҚЎШ ҲЎКИЗ

ДАЛАГА ИЛК БОР ҚЎШ ЧИҚАРИШ ВА ДОН ЭКИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

Қадимда халқимизнинг баҳорги юмушлари ичида, айниқса, далага биринчи қўш чиқариш маросими муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган. Чунки далалардан олинажак ҳосилнинг мўл бўлиши ва йил баракали келиши экиш мавсумини ўз вақтида сифатли қилиб ўтказишга боғлиқ деб қаралган. Шунинг учун ҳам халқимиз орасида далага илк бор қўш солиш ва ерга уруғ сепиш билан алоқадор қатор маросимлар юзага келган. Хусусан, Фарғона водийсидаги Саймалитош номли жойдан топилган қадимги қоятош суратлари орасида далага биринчи марта қўш солиш манзараси тасвирланган лавҳалар кўплиги ҳам халқимиз орасида «Шох мойлар» ёки «Биринчи қўш» номи билан юритилган бу аграр маросимнинг тарихий илдизлари жуда олис замонларга бориб тақалишини кўрсатади.

Саймалитош суратларидаги бир жуфт ҳўкиз (як)ни қўшга қўшиб ер ҳайдаётган деҳқон образи тасвирланган 32 та лавҳани таҳлил қилган Ю.Голодухин бу петроглифларини чизиб қолдирган қабилалар асосан деҳқончилик билан шуғулланганлигини аниқлади. Зеро, қоятошдаги чизгиларда акс эттирилган шамсий тимсоллардаги нурлар сони 7, 12, 13, 15, 28 тарзида изчил такрорланади. Бу эса дала ишларини бажариш муддатларини аниқ ифодаловчи аньанавий тақвимни қўллаган аждодларимиз муайян билимларга эга бўлишган деб хулоса чиқаришга асос беради. Қуёшга сиғиниш удумини Саймалитош материаллари асосида тадқиқ этган Г.Помаскина эса бу қоятош суратларида баҳорда ер ҳайдаб, экин экиш маросими акс эттирилганлигини эътироф этади.

Бизнингча ҳам бу лавҳаларда қадимги деҳқонларнинг эрта баҳорда ерга биринчи қўш солиш удумининг тасвири бўлиб, ўзбек маросим фольклори жанрлар таркибида сақланиб қолган «Шох мойлар» маросимининг тарихий-генетик асосларини аниқлаш учун нодир манба бўла олади. Саймалитош суратларида қўшга қўшилган ҳўкиз, як ва бошқа жонзотларнинг узун, қайрилма шохлари бўрттириб, муболағадор қилиб чизилган. Саймалитош, Зарауткамар, Сармишсой, Қарнаб, Буқантов ва бошқа жойлардаги қоятошларга чизилган петроглифларда тасвирланган жониворлар шохининг бўртиб кўриниб туриши уларнинг серҳосиллик маъбудларига алоқадорлигини кўрсатувчи белги саналган.

Ўрта Осиё халқлари қадим замонлардан буён эчки, қўчқор, архар, олқор ва бошқа жониворлар шохига алоҳида магик кучга эга бўлган нарса деб қараганлар. Муқаддас жойларда, шунингдек, айрим хонадонларда кўчқор ва олқорларнинг бурама шохларини осиб қўйиш анъанаси ҳам қадимда мавжуд бўлган шох тимсоли билан алоқадор халқ қарашларининг бизгача етиб келган кўринишидир ҳисобланади. Эрта баҳорда далага биринчи қўш солаётганда ҳўкизлар шохини «ис ёғи» билан мойлаш удумида ҳам жонивор шохининг магик қудрат касб этиши, серҳосиллик ғояси билан боғланиши каби ишончлар ўз ифодасини топган.

Қўш ҳайдаётган одамнинг кўриниши афсонавий персонаж шаклини эслатади. Хусусан, Саймалитошдаги қоятошлардан бирига икки шохдор ҳўкизни қўшга қўшиб ер ҳайдаётган думли одам сурати тасвирланган. Бошида иккита шохи ҳам бор бўлган бу одам бир қўли билан ҳўкизлар боғланган ипни маҳкам ушлаганча, ўнг қўли билан омоч дастасини бошқариб бормоқда. Қўшвоннинг ўнг томонида бошидан ўн иккита нур таралаётган иккита «қуёш одам» сурати ҳамда уларнинг ўртасига битта тўғри чизиқ чизилган.

Фикримизча, биринчи қўш қўшиш маросими акс этган бу суратдаги «қуёш одам»лар ҳар бири ўн икки ойдан иборат («Қуёш одам»лар бошидан таралаётган нурлар сони ҳам ўн иккитадан) янги ва эски йилни англатади. Уларнинг ўртасидаги чизиқ эса йилбоши белгисидир. Аньанага кўра, деҳқонлар Наврўзи олам байрами сайлини ўтказгандан кейин янги йилнинг биринчи чоршанбасида (чоршанба — **«чош»,** яъни барака куни деб тасаввур қилинган) далага биринчи қўш солишган.

(Давоми бор.)

Маматқул ЖЎРАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

❖ Кўчат эк — боғ ярат

УМРНИНГ ҲАР ДАМИ ҒАНИМАТ!

Қайси куни дала ҳовлига ўтқазиш учун уч-тўрт туп кўчат олиб, автобусда кетаётганимда ёнимдаги шеригим:

— Отахон кўчатларнинг зўрини олибсиз, — деб қолди.

— Ҳа, баҳорнинг илиқ кунлари бошланди. Ҳар қалай эрта эккан маъқул-да, ҳосилини болалар еса, бизларни эслашар.

— Ундай деманг, яхши ният билан экинг. Ўзингизнинг ҳам оғзингиз тегсин, — деб гапга қўшилди орқа ўринда ўтирган оқсоқол.

Халқимиз «Яхши ният билан кўчат эк!» деган нақлни бекорга айтмаган-да...

— Умрингдан бир кун қолса ҳам кўчат эк, деган гап ҳам бор оғайни! Бу ҳақда ривоят ҳам бор, эшитганмисиз?

Бир одам топган-тутганим бекорга қолиб кетмасин деб шаҳар атрофидан бир боғ сотиб олибди. Боғда дарахтлар кўп экан. Бир кун супада ўтирса, шохдан-шохга ўтаётган қушларга кўзи тушибди. Диққат билан қулоқ солса, улар нуқул «экканга раҳмат», «экканга минг раҳмат» деб сайрашармиш. Ҳалиги одам ахир шунча пул сарф қилиб, ҳовлини олсаму эккан раҳмат олса, деб алам билан дарахтни кесиб ташлабди. Шунда қушлар «кесганга лаънат», «кесганга лаънат» деб фиғон ураётганмиш.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат

Қилган ишига пушаймон бўлган инсон дарров бозорга тушиб беш-ўн туп дарахт ва атиргул кўчатлари олиб келиб боққа ўтқазибди. Ҳайрият, деб кесиб ташланган дарахт тўнкасида ўтирганида қушлар «Сизга ҳам раҳмат», деб сайраб қолибди.

Кўрдингизми? Бу ривоятда гап кўп.

Кимдир ўтқазган дарахт ҳосилидан нафақат инсонлар балки, бошқа жониворлар ҳам баҳраманд бўлади... Соясини айтмайсизми?

Гап билан бўлиб дала ҳовлимга етиб келганимни билмай қолибман. Ҳовлига наридан-бери кирдиму кўчатларни ўтқазишга шошилдим. Гўё кимдир мендан олдин уларни экиб қўядигандек. Қўлим ишда, хаёлим қушларда эди. Ҳақиқатан ҳам ёнимдаги дарахтда қушлар «шошилинг», «тезроқ, тезроқ» дегандек шохдан шохга сакрашарди.

Баҳорнинг ҳар дами ғанимат. Ободлик баҳордан бошланади, дердилар отам раҳматли. Бу гапларнинг мазмунини ёшим етмишга етган чоғда англяпман.

Юнус ЗИЁДОВ

Суратда: *Шаҳрихон тумани, Сарой қишлоғида яшовчи 80 ёшли Исоқ ота Ҳалимов набираси билан.*

❖ Умумхалқ ҳашари

НАВРЎЗ СЎРОҚЛАГАН ҚАДРИЯТ

Улуғ айём — Наврўзи олам арафасида Наманган вилоятида ҳам Президентимизнинг «Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарори муносабати билан улуғ қадриятларимиздан бири ҳисобланган умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди.

Вилоятда «Маънавият ва маърифат ойлиги», «Экология ва саломатлик» кунлари, «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» доираларидаги оммавий тадбирларга узвий равишда ўтказилган бу галги ҳашар ҳар йилгидан-да баланд уюшқоқлик ва иштиёқ билан ўтди.

— Наврўзолди хайрия ҳашари барча туман ва қишлоқларда белгиланган режа асосида ташкил этилди, — **дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Оқсоқоллар Кенгаши вилоят бўлими масъул котиби Рустамжон Умаров.** — Айниқса, Наманган туманидаги «Ўнбир Аҳмад» қабристонида, Чортоқдаги Фурқат номли маданият ва истироҳат боғида, Норидаги Тегирмонбоши маҳалла ўйингоҳи ҳамда Наманган шаҳридаги Мулла Бозор Охунд мажмуасида амалга оширилган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларининг кўлами алоҳида эътирофга лойиқ.

Бир миллиондан ортиқ киши иштирок этган ҳашар якунига кўра, вилоят бўйича 5 миллион 472 гектар майдон ободонлаштирилди, 579 та зиёратгоҳ ва қабристон тартибга келтирилди. 1337 минг туп манзарали, 1100 минг туп мевали, 2700 минг туп гул кўчатлари ўтқазилди. 100 минг квадрат метр уй-жой қуриб битказилди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида кам таъминланган оилаларга ва ёлғиз қарияларга 70,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

МУЗЕЙ ЯНГИ БИНОДА

Музейлар том маънода тарих кўзгуси. Улар инсон тафаккури ривожида муҳим роль ўйнайди. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи арафасида вилоят ўлкашунослик музейи фаолиятини янада ривожлантириш, унинг учун янги бино қуриш масаласига алоҳида эътибор қаратилганди.

Яқинда Қаршидаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида вилоят ўлкашунослик музейи учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қурилиш-таъмирлаш ишларига салкам 465 миллион сўм маблағ сарфланди. Ушбу бунёдкорликни «Ўзкинотехтаъминот» давлат унитар корхонаси қурувчилари амалга оширишди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЭРТА БОШЛАНГАН ФУТБОЛ БАҲОРИ

Бу йил футбол бўйича мамлакат XVI миллий чемпионати учрашувлари ҳар йилгидан анча барвақт бошланди.

Чемпионат олий лигасида иштирок этаётган ўн олти жамоа дастлабки тур ўйинларини ўтказдилар. Турнинг марказий учрашуви шубҳасиз, Фарғонада «Нефтчи» ва «Насаф» жамоалари ўртасида уюштирилди. Гарчи, ўйиннинг 25-дақиқасидаёқ қаршиликлар сардори Рўзиқул Бердиев майдондан четлатилган бўлса-да, «Насаф» футболчилари чиройли ва ҳужумкор баҳс юритишди. Натижада ҳужумчи Умид Исоқов 52-дақиқада мезбонлар дарвозасини аниқ нишонга олди. Аммо меҳмонлар учрашувнинг охиригача шу ҳисобни ушлаб қолишнинг уддасидан чиқа олишмади. Дастлаб Мансур Саидов ҳисобни тенглаштирган бўлса, Анвар Бердиев ғалаба тўпини киритди — 2:1.

Мамлакат чемпиони Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси эса Бекободда «Металлург» футболчиларини йирик ҳисобда доғда қолдирди — 0:4.

Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

Кейинги йилларда мухлислар миллий чемпионатда медаллар учун кураш асосан «Пахтакор», «Нефтчи», «Насаф» ҳамда «Машъал» жамоалари ўртасида кечишига кўникиб қолишганди. Янги мавсумда кўпчилик бу жамоалар қаторига олий лига дебютанти — «Қурувчи» (Тошкент) футболчиларини ҳам киритишмоқда. Буни дебютантнинг ўз таркибига дарвозабон Павел Бугало, ҳимоячилар Абдумажид Тоиров, Сергей Лушан, Бахтиёр Ашурматов, Рашид Ғофуров, ярим ҳимоячилар Александр Хвостунов, Виталий Аликперов, ҳужумчилар Шавкат Саломов, Патрик Агбо, Владимир Шишелов сингари номдор ва тажрибали футболчиларни жалб қилганлигидан ҳам сезиш қийин эмас. Биринчи турда Бухорода «Вобкент» футболчиларига қарши майдонга тушган «Қурувчи» жамоаси ўз ҳисобига илк ғалабани ёзиб қўйди — 0:1. Учрашувдаги ягона тўпни миллий терма жамоамиз ҳужумчиси Владимир Шишелов киритди.

Қолган ўйинлар эса қуйидагича якунланди: «Локомотив» — «Тўпаланг» — 1:0, «Андижон-ЎзДЭУавто» — «Шўртан» — 1:0, «Трактор» — «Бухоро» — 1:2, «Машъал» — «Навбаҳор-Н» — 1:0, «Қизилқум-Олтин» — «Самарқанд-Динамо» — 2:1.

XVI миллий чемпионат баҳсларига эндигина старт берилди. Чуқур мулоҳазалар юритиш, хулосалар чиқаришга ҳали эрта бўлса-да, биринчи турнинг аксарият ўйинларида кичик ҳисобларнинг қайд этилганлиги янги мавсум баҳслари кескин ва муросасиз кечишидан дарак бераётир.

Иккинчи тур учрашувлари 15-17 март кунлари бўлиб ўтади. Унда «Андижон-ЎзДЭУавто» — «Нефтчи», «Пахтакор» — «Трактор», «Насаф» — «Вобкент», «Навбаҳор-Н» — «Қизилқум-Олтин», «Бухоро» — «Машъал», «Тўпаланг» — «Металлург», «Қурувчи» — «Локомотив», «Шўртан» — «Самарқанд-Динамо» жамоалари ўзаро куч синашадилар.

Эркин ХОЛБОБО

❖ Жиноятга жазо муқаррар

«СИНОВ»ДАН ЎТОЛМАГАН ҚАЛБАКИ ПУЛ

Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўм расмлари туширилган компьютер «флешка»сини сотиб олган самарқандлик А.Яркулов хазина эгаси бўлгандек оғзи қулоғида эди. Тошкентдан компьютер ва унинг жиҳозларини харид қилганда ҳам ўзини миллионерлардек ҳис қилиб, кўз олдидан бели синмаган минг сўмлик купюралар ўтди.

...Оқтош шаҳри, Х.Раҳимов номли кўча, 21-уй. Принтер бир маромда ишлаб турибди.

Шерикликка ҳозиру нозир бухоролик Т.Салямов ва тошкентлик Н.Азимов айтилган вақтда таклиф қилинган манзилга етиб келишди.

— Сенга гап йўқ, ука, ёш бўлсанг ҳам бало чиқдинг. Умуман қалбакилиги сезилмайди-я...

Ҳамтовоқлар манфаатдан умидвор бўлиб «ихтирочи»ни бири кўйиб бири мақташга тушди.

— Энди, гап акалар бу пулларни ўтказишда. Бу ерда 187 пачка «мингталик», — деди А.Яркулов икки сумкага жойлашган «товар»ни кўрсатиб.

— Каттакўрғонга борасизлар. Автобуслар тўхташ майдончаси бор. «Тошкент — Бухоро» йўналиши бўйича келаётган автобуслардан бирининг шофёри билан ғаплашиб, «юк»ни манзилга етказасизлар. Кейин қолганини ғаплашармиз.

«Мерседес-Бенц» автобус ҳайдовчиси М.Каримов орқали сумкалардаги 18 миллион 686 минг сўм қалбаки пул тергов жараёнида шахсини аниқлаш имконни бўлмаган Шуҳрат исмли йигитга бериб юборилди.

Жиноий тўда А. Бобоев, Н. Қаҳҳоров, А. Арабов, Р. Арабов ҳисобидан «кенгайди». Улар Н.Қаҳҳоровнинг ҳовлисидаги томорқасига 7 миллион 598 минг сўмни яшириб, қолган 3 миллион 598 минг сўмни Р.Арабовга ўтказишди.

Қалбаки пул қўлдан-қўлга ўтиб жиноят занжири тузилди. Ҳ. Холиқовга берилган 36 ўрам 1000 сўмлик пуллар мўмай даромад келтиришидан умидвор бўлган жиноятчилар уни синовдан ўтказишмоқчи бўлишди.

«Боло-ҳовуз» чойхонасидаги «пул операция»си силлиққина ўтди. 1,5 литрли «Қибрай» пивосини сипқорган И.Ражабов ҳамда Ҳ.Холиқов 2006 йил 10 июль соат 20 ларда яна шу манзилга келди.

— «Масковский» арағингдан ол. Битта «Сибур» напиткангдан ҳам бер. Ҳа..а, баракалла. Мана, биз сизга янги бели синмаганидан берамиз...

Аммо, яратилган «ихтиро» инқирозга учради. Қалбаки пулнинг миси чиқиб, «синов»дан ўта олмади. «Ихтирочилар» қўлга тушишди.

Шу ўринда «Абдуллажон» кинофильмидаги бир ҳолатни эслатмоқни жоиз деб топдик. Фильм қаҳрамони моддий ночор: ўғлини уйлантириши, қизига бешик тўйи олиб бориши керак, лекин пул йўқ. Ўзга сайёрадан келган Абдуллажон отасини хурсанд қилмоқчи бўлиб, аввалига, каттакон танга ясайди, кейин эса қозонни қайнатиб, уч сўмлик пул билан тўлдириб қўяди. Ўзида йўқ хурсанд бўлган ота эса уч сўмлик купюра орқасида ёзилган «пулни қалбакилаштириш қонун билан тақиқланади» дейилган ёзувни ҳиҳолаб ўқиб, қалбаки пулларни ёқиб юборади. Фильм қаҳрамони бир қараганда, саводсиз, оддий деҳқон бўлса-да, маънан юксак, ҳалолликни қадрловчи, қонунни ҳурмат қилувчи инсон.

Аммо, мазкур жиноий гуруҳ таркибидаги олий маълумотли, оилали, 2-3 нафардан фарзанд тарбиялаётган кишилар миллий валютамизда «Ўзбекистон сўмини қалбакилаштириш қонунга мувофиқ таъқиб қилинади», деган ёзув борлигини билишмайди, деб ўйлайсизми?! Билишади, фақат гап — ҳалолликда, нафсни жиловлай билишда, ҳаром йўл билан топилган мол-дунёдан ҳазар қилишда, бир сўз билан айтсак, ҳуқуқий маданиятда. Ҳалолликда гап кўп. У орқали тинч ва хотиржам яшайсан. Нопоклик йўли эса, юқоридаги ҳолатдаги каби, бир куни шармандa қилиши муқаррар.

Набижон ЯХШИЕВ,
Бухоро вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори,
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

МУРАББИЙ ИСТЕЪФОГА ЧИҚСА...

Лондоннинг «Челси» клуби бош мураббийи Жозе Моуриньо шуни маълум қилдики, агар Роман Абрамович бошчилигидаги клуб раҳбарияти унинг ишидан қониқмаётганлигини билдирса, жамоани тарк этиши мумкин экан. Англиянинг «The Mirror» нашрида ёзилишича, Моуриньонинг «Челси» билан шартномаси 2010 йилнинг июнь ойигача тузилган. Шартномага мувофиқ у ҳар йили 5 миллион фунт стерлинг (10 миллион долларга яқин) миқдорида ҳақ олади. Борди-ю шартнома муддатидан олдин бузиладиган бўлса, мураббийга каттагина товон пули тўланади. «Мен ўз олдимга бу йилги мавсумда катта зафарларни қўлга киритишни мақсад қилиб қўйган эмасман, — дейди мураббий. — Истеъфога чиқиш ҳам мен учун бир «ўйин» бўлиб қолаверади. Мен миллионерга айланиб, янги жамоага ўтиб кетишим мумкин. Бир нарсани биламанки, бу мавсумда ҳеч ким менчалик самарали меҳнат қилгани йўқ».

❖ Интер-спорт

МАСКАЕВ — КЛИЧКО ЖАНГИ БЎЛАДИ

WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони оғир вазнли боксчи Олег Маскаев украиналик Виталий Кличко билан жанг қилишга ўзаро келишиб олди. Бу учрашув 2 июнь куни Москвада ўтказилиши кутилмоқда. Қизиғи шундаки, ўзига хос бокс шоусида шунингдек, Султон Ибрагимов билан Шэннон Бринггз учрашуви ҳам ўтказилади. Унда Султон WBO йўналиши бўйича чемпионлик унвонини ҳимоя қилади. Маскаевнинг менеджерлари чемпионликка асосий даъвогар ҳисобланган нигериялик Сэмюэл Питердан Маскаев билан вақтинча учрашмасликка розилик олишди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза Бош бюроси жамоаси бюро бошлиғи З.Гиясовга синглиси **Маҳмуда Асамутдиновна ГИЯСОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш республика Маркази ихтисослашган аттестация комиссияси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, профессор **Эркин Юлдашевич ҚОСИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ma'murjon PARPIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
14815 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 22.15
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda